# ҲАҚИҚАТ ОЙНАСИ

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий илк сўфийлардан бўлиб, ҳақиқий муҳаддис олим сифатида пайғамбаримиз Муҳаммад ўгитлари, панд-насиҳатлари, огоҳлантиришлари хусусида жуда катта ишончли илмий маълумот йиғди ва бунинг натижасида пайғамбар (САВ) шахсиятлари ҳамда ислом динини ғаразли бўҳтонлардан поклашга ҳаракат қилди.

Муҳаммад алайҳиссалом башарият тарихида из қолдирган кўпгина комил инсонларнинг пешвоси бўлганликларини бутун жаҳон тан олган. Имом ал-Бухорийнинг «Ал-жомиъ-ас-саҳиҳ» тўпламида келтирилган ҳадислардан ул зотнинг жуда кўп юксак фазилатлар эгаси бўлганликлари аёнлашади. Аммо жамиятимизда атеизм баланд мавқеъ тутган сиёсий тузум ҳукмронлиги даврида бу ёрқин тарихий сиймо шахсияти ва фаолияти сохталаштирилиб, салбий баҳоланди. Бу, албатта, мустамлакачилик сиёсатининг синалган усулларидан бири эди. Энг ачинарли томони шундаки, Қуръони карим ва Ҳадиси шарифнинг асл мазмунидан бехабар бўлган маҳаллий халқлардан чиққан «олим»лар ҳам мустамлакачи сиёсатбозларнинг паст ниятларини амалга оширишларида бевосита мададкорлик қилдилар. Фикримизни баъзи мисоллар билан далиллайлик. Озарбойжонлик файласуф олим М.Ф.Охундов сохта ҳадислардан бирига ишониб, Муҳаммад алайҳиссалом ҳақида қуйидагича ёзади (ўқувчида бу масалада аниқ тасаввур ҳосил этиш мақсадида парчани таржимасиз келтиришни лозим топдик): «Почему сам пророк не последовал точному смыслу стиха (Қуръони каримни назарда тутмоқда — Д.С.) о затворничестве, по которому всем правоверным повелевается закрывать глаза при встрече с женщинами, когда он увидел жену Зейда купающейся? Напротив, он досыта разглядел её в совершенной наготе и даже расхвалил прелесть её талии громогласно, потом установил следующее узаконение, признаваемое и суннитами, и шиитами в шариатских книгах: «Если пророк увидит какую-нибудь женщину и полюбит её, то муж её обязан развестись с нею и уступить её пророку». Вот до чего простирается позор! Что скажет друг и недруг при чтении подобного узаконения относительно вашего пророка и вашего аллаха» (М.Ф. Ахундов, Избранные философские произведения. М., 1962, стр. 117). Муаллиф асарда келтирилган ҳадиснинг қайси манбадан олинганлиги борасида ҳеч нарса демайди. Бу фикрларни тожик олими М. Ражабов ҳам «Абдурахман Джами и таджикская философия XV века (Душанбе, 1968, стр. 148) номли китобида ўзининг атеистик нуқтаи назарини тасдиқлаш мақсадида келтиради.

Албатта, бу ўринда эътиқодлар ҳимояси учун баҳсга киришиш мантиқ нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ эмас. Ҳар бир инсон ҳар бир масалада ўз фикрига эга бўлиш ва уни имкони даражасида ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Аммо мазкур масалада гап ҳақиқат ва бўҳтон хусусида кетмоқда. Инсониятга ҳеч қандай ёмонлик келтирмаган, ўзидан кейин ҳам ҳеч қандай ёмонлик қолдирмаган улуғ тарихий шахс ва ер юзидаги барча динлар сингари ҳалоллик, тўғриликка даъват этган энг сўнгги дин ноҳақ айбланмоқда.

Масаланинг иккинчи, яна бир муҳим томони борки, юқоридаги каби уйдирмалар ўсиб келаётган ёш авлодни яна асоратга солиши, ҳақиқатдан чалғитиши мумкин. Ана шу жиҳатдан ҳам бугунги нотинч, дин ва давлатлар, жамиятлар орасидаги муносабатлар ниҳоятда нозик бўлган даврда бундай масалаларга аниқлик киритиш муҳимдир. Зеро, ҳар қандай илмнинг мағзи уйдирма эмас, ҳақиқат бўлмоғи лозимлиги, шубҳасиз, барчага аён.

Келтирилган парча мазмунидан маълум бўлаётганидек, М.Ф. Охундов «Зайднинг хотини» деганда Муҳаммад алайҳиссаломнинг аммалари Умайманинг қизи Зайнаб бинти Жахшни назарда тутмоқда. Бу воқеа Қуръони каримга ёзилган кўпгина шарҳлар ва тафсирларда келтирилишича, жумладан, олими киром Алоуддин Мансурнинг ўзбекча изоҳли таржимасида берилишича, шундай содир бўлган: «Пайғамбаримиз Зайнабни ўзларининг асраб олган ўғиллари Зайд бинн Хорисага хотинликка сўраб совчи бўлиб борганларида у унамасдан: «Ё расулуллоҳ, ахир мен Қурайшнинг энг олий насабли аёлларидан бўлсам, Зайд эса куни кеча озод бўлган қул бўлса, қандай қилиб у менга муносиб бўлсин», дейди». Шунда пайғамбар алайҳиссаломга «Аҳзоб» сурасининг 36-ояти нозил бўлгач, ноилож қолиб, ўз розилигини беради ва у Зайдга никоҳланади. Лекин Зайд билан Зайнабнинг турмушлари яхши бўлмайди. Чунки Зайнаб эрига нописандлик билан муомалада бўлар ва мудом унга ўзининг олийнасаб эканини пеш қилаверар эди. Охир-оқибат, Зайд пайғамбарнинг олдига Зайнаб ҳақида шикоят қилиб келиб, у билан бирга ортиқ яшай олмаслигини айтади. Дарвоқе, бу орада Аллоҳ таоло томонидан пайғамбар алайҳиссаломга ваҳий келган бўлиб, унда Зайд Зайнаб билан ажрашиб кетишлари ва пайғамбар Зайнабга уйланишлари ҳақида хабар берилган эди. Лекин пайғамбар алайҳиссалом одамларнинг «Муҳаммад ўзи асраб олган ўғлининг хотинига уйланди», деб таъна қилишларидан чўчиб бу ваҳийни ошкор этмай келарди. Шунинг учун ҳам Зайд хотини билан ажрашмоқчи эканини билдирганида унга сабр қилишни маслаҳат беради. «Аҳзоб» сурасининг 37-38-оятларидан Аллоҳ таоло ўз пайғамбарига мана шу иши учун танбеҳ беради. Шундан сўнг пайғамбар алайҳиссалом бу аёлга уйланади.

М.Ф.Охундов асарида ушбу воқеага тааллуқли бўлиб пайғамбаримизга нисбат берилган «Агар пайғамбар бирор аёлни кўрса ва севиб қолса, унинг эри у билан ажрашмоғи ва уни пайғамбарга бермоғи лозим», деган ҳадиснинг ёлғон, уйдирма эканлигини Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий,, Ҳусайн Воиз Кошифий, Алихонтўра Соғуний каби ватандошларимизнинг асарлари тасдиқлайди. Шу қабилдаги масалалар ечимида, айниқса, «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» асарининг илмий қиммати ва тарихий аҳамияти яққол намоён бўлади. Муаллиф асарида расулуллоҳ ҳадисларини мазмунига кўра китоблар ва бобларга бўлиб келтирар экан, уларнинг саҳиҳлиги даражасини ҳадис илми қоидаларига мувофиқ ровийларнинг номларини аниқ келтириш билан тасдиқлашга ҳаракат қилади.

Асарда хабар берилишича, Муҳаммад расулуллоҳ ниҳоятда хушхулқ, ҳаё бобида ҳатто қизлардан ҳам ҳаёли бўлганлар: «Масруқ бундай дейдилар: «Абдуллоҳ ибн Амр Муовия бирлан Кўфага келганида ҳузурига кирдик. Шунда у Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламни эслаб: «Ул зот бадхулқ ҳам, шалоқсўз ҳам эмас эдилар», — деди. Кейин, яна: «Ораларингизда энг яхшингиз — хулқи яхшингиздир!» — деган эдилар», — деди. Расулуллоҳ инсон ўз кўзини ва тилини ҳаром қилинган, макруҳ нарсалардан эҳтиётлаши лозимлигини қайта-қайта таъкидлаганлар. Жумладан, «Ибн Аббос ривоят қиладилар: ...Кўзнинг зиноси — (ўзга аёлга) қарамоқдур, тилнинг зиноси эрса (ўзга аёлни орзулаб) гапирмоқдур» Яна бир ҳадис шундай келтирилади: «Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам: «...Биров рухсатингсиз уйингга мўраласа-ю, тош отиб кўзини чиқарсанг, гуноҳкор бўлмағайсан!» — дейдилар».

Расули акрамнинг завжаи муҳтарамалари Оиша онамиздан ҳам пайғамбарнинг бу соҳадаги фазилатлари ҳақида кўп ҳадислар ривоят қилинади. Чунончи, уларнинг айтишларича: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ...аёллар байъатини оғзаки (қўл олмай) қабул қилур эрдилар. Жаноб Расулуллоҳнинг муборак қўллари ўз аёлларидан бўлак бирорта бегона аёлнинг қўлига тегмагандур!».

«Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ичкаридаги бокира қиздан ҳам ҳаёлироқ эдилар, агар кўзлари бирор макруҳ нарсага тушса, (уялганларини) юзларидан билиб олар эдик». Хўш, М. Ф. Охундов ҳикоя қилган воқеа билан мазкур ҳадис мазмунини солиштириб кўринг-чи, қайсиси ҳақиқатга яқинроқ? Яна шу муҳимки, Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадисларнинг саҳиҳлиги бутун мусулмон Шарқи муҳаддислари томонидан тан олинган. Расулуллоҳ ўзлари илмларига амал қилиб, худди шундай чиройли амал қилишни барча мўминлардан талаб қилар эдилар. Жумладан, қуйидаги воқеа эътиборлидир: «Ибн Аббос разиаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қурбон ҳайити куни Фазл ибн Аббосни уловларига мингаштириб олдилар. Фазл чиройли йигит эди. Жаноб Расулуллоҳ уловларини тўхтатиб одамларга фатво айта бошладилар. Шунда Хасъам қабиласидан бўлган бир гўзал аёл келиб жаноб Расулуллоҳдан бир масала хусусида фатво сўради. Фазл унинг ҳуснига маҳлиё бўлиб, термулиб қолди. Жаноб Расулуллоҳ ўгирилиб Фазлнинг аёлга термулиб турганини кўрдилар-да, орқаларига қўлларини узатиб Фазлнинг жағидан ушлаб юзини бошқа томонга қаратиб қўйдилар».

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳаё, ибо бобида ниҳоятда рашкли эдилар. Абдуллоҳ (ибн Масъуд) ривоят қилишича, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Аллоҳ таолодан кўра рашклироқ зот йўқдур, шул боисдан ҳам ул фаҳш ишларни манъ қилди...».

«Ал-жомиъ ас-саҳиҳ»да келтирилган ушбу маълумотлар ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳусни хулқлари хусусидаги нолойиқ фикрларни батамом рад этади. Зеро, Муҳаммад амин — ишончли, деб таърифланган пайғамбаримиз ўзлари ташвиқ этган ислом динига энг аввало ўзлари бекаму кўст амал қилгувчилардан эдилар. Бу исбот талаб этмас даражадаги ҳақиқат Имом ал-Бухорийнинг барча асарларида тилга олинади. Қуръони каримнинг «Нур» сураси 30-ояти каримасида шундай дейилган: «(Эй Муҳаммад), мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза (йўлдир). Албатта, Аллоҳ улар қилаётган ҳунарлардан хабардордир».

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ушбу илоҳий буйруққа умр бўйи амал қилганликларини юқорида келтирганимиз каби юзлаб ҳадислар, тарихий асарлардаги юзлаб маълумотлар билан исботлаб бериш мумкин. Аммо бунинг раддини ким исботлаб бера олади?

Ислом дини, маълум бўлганидек, инсониятни фақат яхшиликка ундовчи, тўғри, пок йўлга ҳидоят этувчи диндир. Уни ташвиқ этган Муҳаммад алайҳиссаломнинг мақсадлари ҳам башар фарзандлари учун тўғриликка хизмат қилувчи, худди ўзлари сингари пок ва беғубор бўлган...

Албатта, ул табаррук зотга беҳуда тош отиш шабкўр сиёсат маддоҳларининг паст ниятларини амалга оширишлари учун ўйлаб топилган бир восита эди. Ислом инсонларни тоат-ибодатга буюрар экан, бу — уларнинг маънавий покланишлари учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган машғулотлардан биридир. Қуръони каримнинг «Аҳзоб» сурасининг 73-оятида: «Аллоҳ... мўмин ва мўминаларнинг тавба-тазарруларини қабул қилиб (гуноҳларини мағфират қилиш учун Одам болаларига ислом шариатидаги тоат-ибодатларни) юклади», деб ёзилган. Демак, ҳазрати Муҳаммад Мустафо ҳам инсон фарзандининг гуноҳлардан, иллатлардан узоқ бўлиши учун тинмай саъй-ҳаракат қилганлар. Ул зоти муборак мўминларнинг фазилатларини камолга етказиш учун курраи заминга тушган илоҳий иноят эдилар.

**Дилором САЛОҲИЙ,**
**Самарқанд давлат меъморлик-қурилиш институти докторанти, филология фанлари номзоди**

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

# БИРНИ КЎРИБ ШУКУР ҚИЛ...

## Ҳиндистон сафаридан кейинги ўйлар

Ёшликдаги дўстларимдан бири келиб қолди.

— Қайси куни ишхонангга қўнғироқ қилсам, сафарга кетган, дейишди. Яхши бориб келдингми? Қаерга бординг ўзи?

— Тўғри, — дедим мен, — хизмат сафари бор эди. Ҳиндистонга бориб келдим.

Дўстим ажабланди:

— Худди Хоразмга бориб келгандай бемалол гапирасана, — деди у ҳаяжонланиб. — Ҳиндистонга борибсан-у пинагингни бузмайсан.

Дўстимнинг бу гапи мени ажаблантирди:

— Бугунги кунда Ҳиндистонга бориб келишнинг нимаси ваҳима?! Ўзинг айтгандай, Хоразм ёки Фарғонага бориш билан Ҳиндистонга бориб келишнинг ҳеч фарқи йўқ.

— Тўғрию, ҳар ҳолда-да, — деди дўстим бироз ҳовуридан тушиб. — Нима бўлганда ҳам чет эл...

Ҳа, нима бўлганда ҳам чет эл.

Мамлакатимиз вилоятларига бориб — келиш билан бирон-бир давлатга боришнинг фарқи унинг чет эл эканида, яъни айрим ҳужжатлар зарурлигида. Бошқа жиддий фарқи йўқ. Қолаверса, бугун наинки Ҳиндистонга, балки дунёнинг истаган давлатига — Америкагами, Германия, Англия, Франция, Япониягами бориш унчалик катта муаммо ёки муҳим воқеа эмас.

Бироз чўзилган муқаддимани нима учун кеотирдим: истиқлол берган имкониятлардан бирини таъкидлаш. Бошқача айтганда, истиқлолга эришганимиздан сўнг бутун дунёга йўл очилди. Бугун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг самолётлари Тошкентдан тўппа-тўғри дунёнинг не-не мамлакатларига учмоқда. Шўро даврида Ўзбекистондан бирон киши Ҳиндистонга бормоқчи бўлса аввал Москвага борарди. У ердан Деҳлига учар эди. Қизиғи шундаки, Москвадан Деҳлига, Деҳлидан Москвага учадиган самолёт Тошкентда тўхтаб ўтарди. Аммо Деҳлидан келаётган Ўзбекистон фуқароси Тошкентда тушиб қолиши мумкин эмас, аввал Москвага бориб, кейин Тошкентга қайтиб келиши шарт эди. Бу гаплар бугунги ёшларимиз учун кулгули туюлиши мумкин, бироқ бор гап ана шундай эди...

* * *

Шу йил ойининг бошларида Деҳли шаҳрида ўзбек киноси кунлари бўлиб ўтди. Беш кун давомида (ҳар куни иккитадан сеанс бўлди) бешта бадиий, бешта ҳужжатли фильм намойиш қилинди. Тадбир давомида мен бир нарсага амин бўлдим. Ўзбек санъатига, жумладан кино санъатига хорижда, хусусан, Ҳиндистонда қизиқиш кучли экан. Нима учун ҳиндлар эмас, Ҳиндистон деяпман? Чунки фильмларимизни фақат ҳиндлар эмас, Деҳлида яшовчи, ишловчи хорижликлар ҳам қизиқиш билан томоша қилдилар. Улар орасида европаликлар ҳам, осиёликлару африкаликлар ҳам бор эди. Фильмларда янграган ўзбекча мусиқаларни, қўшиқларни қарсаклар билан олқишлаганларини кўриб кўнглим тоғдай кўтарилди, ич-ичимдан суюндим. Олимлар, мутахассислар, дипломатлар, оддий томошабинлар ўзларининг таассуротларини баён қилдилар. Фильмларимизни намойиш этиш жараёнида ҳинд тилига таржима қилиб турган иқтидорли таржимон, ўзбек маданиятининг жонкуяр тарғиботчиларидан бўлган журналист дўстимиз Аҳмаджон Қосимов уларнинг фикрларини магнит тасмаларига ёзиб олди. Ўзбекистон радиосининг хорижий эшиттиришлар редакцияси орқали бир неча тилларда эфир орқали узатди.

Яна бир нарса ҳайратга солди мени. Ҳар бир бадиий фильм намойишидан олдин иккита ҳужжатли фильм қўйилган экан. (Дастурни Ҳиндистон информация ва радиоэшиттириш вазирлигининг Фестиваллар дирекцияси тузган). Очиғини айтганда, аввалига мен бироз чўчидим: иккита ҳужжатли фильмни кўргунча зерикиб қолишмасмикан, деган хавотир кечди кўнглимдан. Бироқ бу хавотирим ноўрин экан. Биронта томошабин қилт этмай ўтирди. Тадбирлар тугагандан кейин бу фикрларимни Ҳиндистондаги элчимиз Илҳом Неъматовга айтсам, у киши кулди. Боиси унинг ҳам кўнглидан шу хавотир кечган экану менга айтишдан тортинган экан.

Шу ўринда бир фикрни таъкидлаб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Менинг ёки элчимизнинг хавотири ҳужжатли фильмларимизнинг бўшлигидан эмас эди. У ерда намойиш этилган «Қора кул», «Кўпкари», «унутилган қўшиқ», «Хор», «Зиёрат» фильмларини ҳужжатли дейиш ҳам рамзийдир. Аслида бу фильмларни жажжи бадиий фильмлар, дейиш тўғрироқ бўлади. Чунки улардаги тасвир, кўтарилган муаммолар ва уларнинг умумлаштирилиши бадиий фильмдан қолишмайди.

Биз ўзимизнинг томошабинларнинг ҳужжатли кинога нисбатан муносабатидан келиб чиқиб, бояги хавотирга борган эдик. Тан олиш керак, кўпгина томошабинларимизда, ҳатто айрим зиёлиларимизда ҳам, илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмларга сал менсимайроқ, пастроқ назар билан қараш одати бор. Ҳолбуки, улардан қайси ҳужжатли фильмни кўргансиз, қайси жиҳатлари ёқмади, нимасидан кўнглингиз тўлмади, деб сўрасангиз, аниқ жавоб беролмайди. Чунки фильмни кўрмаган бўлади. Кимлардандир эшитган ёки умумий гапларга ишониб хулоса чиқариб юришади. Ваҳоланки, ҳар бир асарни — у романми, фильмни, спектаклми — қайси соҳада, қайси жанрда бўлмасин — ўқиш, кўриш керак. Шундан кейингина у тўғрисида фикр юритиш, ютуғини ҳам, нуқсонини ҳам аниқ мисоллар билан исботлаб хулоса чиқариш лозим. Шу маънода мен ўзбек киноҳужжатчилари сўнгги йилларда яратган қатор фильмларни алоҳида таъкидлагим келади. Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китоби асосида ишланаётган кўп қисмли ҳужжатли фильмни, «Улар Германияда ўқиган эдилар», «Орзу», «Имом ал-Бухорий», «Аҳмад ал-Фарғоний» «Оила — муқаддас кичик ватан», бошқа яна бир неча фильмларни ҳаяжонсиз, лоқайд кўриш мумкин эмас.

Хуллас, Ҳиндистонда ўтган ўзбек киноси кунлари кўнгилни равшан қиладиган, айни чоғда анча-мунча нарсалар тўғрисида мулоҳаза юритишга ундайдиган тадбир бўлди.

* * *

Биз ва биздан кейинги авлоднинг ёшлиги ҳинд киноларини кўриб, шунинг натижасида бу ўлкага нисбатан қизиқиши ортиб ўтган, десам муболаға бўлмас. Назаримизда, Ҳиндистон жуда гўзал, сир-синоатга бой, мураккаб, хусусан ижтимоий муаммолар деярли йўқ, борлари ҳам асосан маиший муаммолардан иборат бўлган ғаройиб ўлка эди. Фильмлари бизда шундай тасаввур уйғотса, шўро тузуми хорижий мамлакатлардаги ҳақиқий аҳвол ҳақида тўла маълумот бермас, социализмга мойил, аниқроқ айтадиган бўлсак, СССРга дўст мамлакатларда ҳамма нарса яхши, муаммо йўқ, капиталистик мамлакатларда эса яшаш қийин, одамларнинг турмуш кечириши оғир, деган фикр қатъий қилиб миямизга сингдирилган эди. Мустақилликка эришиб, дунёга юз очганимиздан кейин ҳақиқий аҳвол қанақа эканлиги намоён бўлди-қолди. Бугун одамларимиз «чириб бораётган капитализм» нимаю, «гуллаб — яшнаган социализм» нима эканини билиб олишди. Ўз қобиғига ўралиб, ду-

**Давоми бешинчи бетда**

Юлдуз УСМОНОВА:

# САНЪАТ — БУЮК КУЧ

**Бизнинг сиёсий партиялар, ҳаракатлар тўғрисидаги тасаввурларимиз бойиб, кенгайиб, тиниқлашиб бормоқда. Истиқлол шарофати ила биз тамомила янги жамиятда, янгича шароитларда яшаб, фикрлар, қарашларнинг хилма-хиллигига кўникиб бормоқдамиз.**

**Куни кеча Тошкентда янги сиёсий ҳаракат — «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда ташаббускор гуруҳ аъзолари, Қорақалпоғистон Республикасидан, вилоятлардан ва Тошкент шаҳридан сайланган делегатлар иштирок этиб, янги партия Дастури ва Низоми лойиҳаларини муҳокама қилдилар. Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг бу ҳужжатлар қабул қилинди. Партиянинг Марказий Кенгаши сайланди. Матбуотимиз сафларига янги сиёсий минбарнинг «Фидокор» номи билан нашр этилувчи газетаси қўшиладиган бўлди.**

**Янги партия аъзоларидан бири — Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова мухбиримиз билан бўлган суҳбатда ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этди:**

*Муносабат*

— Бугун Озод Ватанимиз тарихида, фидойи ёшлар ҳаётида унутилмас воқеа юз берди, десам муболаға бўлмас. Бундай ҳаракатни тузиш орзуси қалбларимизда чуқур илдиз отган, ҳаётмизнинг бош мақсадига, дил амрига айланган эди. Она-Ватанга муҳаббати, мустақиллик ғояларига садоқати бор ҳар бир ёш йигит-қиз учун бу ният ўзликни намоён этиш, юрагидаги эзгу ниятларини руёбга чиқариш имконидир.

Муҳтарам йўлбошчимиз, биз ёшларнинг меҳрибон мураббийси Ислом Каримовнинг «Болаларимиз ва набираларимиз биздан кўра билимли, кучли, ақлли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт» деган сўзларини миллатнинг, жамиятнинг улуғ даъвати, бош нияти сифатида ўртага ташлашлари ҳамда баралла овоз билан «Мен ёшларга ишонаман, мен улар билан биргаман» дейишлари, билсангиз, оддий воқеа эмас. Бу жуда улуғ гап. Бундай мардона сўзларни айтиш учун одамда энг аввало катта инсоний қалб, ўз халқига, унинг келажагига ишонч ҳамда меҳр-муҳаббат бўлиши керак. Баландпарвоз сўзларни айтмоқчи эмасман, бунга ҳожат ҳам йўқ. Аммо юртбошидан шундай сўзларни эшитганингда шу миллатнинг бир фарзанди эканлигингдан фахрланмай бўладими?! Шундай улуғ бир инсон ҳаммамизга бош бўлиб турганидан, оталарча меҳрибонлик билан бизларни бағрига олаётганидан, тўғри йўлларни кўрсатаётганидан ғурурланмай бўладими?

Ўзбекнинг бир санъаткори сифатида дунёнинг жуда кўп мамлакатларига бордим. Турфа хил одамлар билан гаплашдим, турфа хил тақдирларни кўрдим. Кўп сир-синоатларга дуч келдим. Аммо, очиқ айтишим мумкинки, ҳеч бир ерда маънавият билан, маданият, санъат ривожи билан шахсан ўзи шуғулланаётган, ҳар бир ижодкорни, зиёлини шахсан биладиган, ютуқлари, эҳтиёжларидан бохабар бош раҳбарни учратмадим. Европа мамлакатларида санъат, маданият ўз ҳолича кун кўради, ижодкор ўзи учун ўзи курашади, ўзини намоён этиш учун минг кўчага кириб чиқади. Ўзаро суҳбатларда «бизда давлат маданиятга ҳомийлик қилади, кейинги йилларда шу соҳа ривожи учун фалон-фалон ишлар қилинди, фармону қарорлар чиқди» десангиз, сизга ҳавас кўзлари билан боқишади.

Мендан кўпинча Ўзбекистон тўғрисида, халқимизнинг ҳаёти, урф-одатлари, санъати, миллий қўшиқлари, борингки, тўй-маросимларигача сўзлаб беришимни илтимос қилишади. Лолалар юрти Голландиядаги концертларим чоғи дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан келган машҳур юлдуз санъаткорлар ҳам мендан шуни сўрашди. Халқимиз меҳнаткаш, меҳр-шафқатли, меҳмондўст, бағри кенг, бир тишлам нонини ҳам биров билан баҳам кўради, десам, мустақиллик йилларида эришаётган ютуқларимиздан гапирсам, бизда чинакам эътиқод эркинлиги мавжуд, бу — қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган десам, кўзлари ҳавасдан порлаб кетади.

Ҳойнаҳой, Юлдуз Усмонова нега энди сиёсий партия сафига кирмоқда, қўшиғини куйлаб юраверса бўлмасмиди, санъат бошқа, сиёсат бошқа-ку, деб сўрарсиз ҳам. Янги йил оқшомида телевидение орқали кўрган бўлсангиз керак — «Халқлар дўстлиги» саройи ёнидаги «Наврўз» кошонасида ажойиб Янги йил базми қурдик. Мамлакатимизнинг деярли барча таниқли санъаткорлари, ёш ижрочилар, турфа хил гуруҳлар, номлари элимизга ҳали унча кўп таниш бўлмаган ажойиб истеъдод эгалари қатнашдилар. Мен бир нарсага яна бир бор амин бўлдим — санъат — буюк куч, катта қудрат, чексиз имконият. Мана, биз санъаткорлар, сиз — журналистлар, ёзувчилар, олимлар, бошқа касб эгалари, биргалашиб ҳаракат қилсак, жуда кўп нарсага қодирмиз. Биргалашиб тоғни талқон қилса бўлди. Аҳиллик, ҳамжиҳатлилик олдида таслим бўлмайдиган ғовнинг ўзи йўқ. Аммо, афсуслар бўлсинким, биз кўпинча майда-чуйда нарсаларга ўралашиб юрамиз, беҳудага вақт ўтказамиз. Жуда кўп истеъдодли ёшлар бугун қалбларида аланга олиб турган жўшқинлик кучини қаерга сарфлашни билмайдилар. Уларни бирлаштириш, уюштириш керак. Ҳар битта ёшга тўғри йўлни кўрсатиш, хато қилса — нима сабабдан хато қилганлигини тушунтириш лозим.

Президентимиз ўз нутқ ва маърузаларида кўп бор уқдирадилар: эски тузум тугатилган бўлса-да, ундан қолган эски қарашлар ҳамон мавжуд. Кўп ҳолларда ана шу эски тузумдан қолган «тўрачилик» касаллиги тараққиёт йўлига ғов бўлмоқда, ёшларнинг йўлини тўсмоқда. Бунга қўшимча, бизда яна шунақа раҳбар мутасаддилар ҳам борки, улар ёшлар билан ишлашнинг бугунги талабларини яхши билишмайди. Истеъдодли одамларнинг ўз дунёси, ўз овози, бошқаларникидан фарқ қилувчи фикр-мулоҳазалари ҳам бўлишини тан олмайдилар. Ахир, ҳамма бир хилда фикрлайдиган, бир андозадан ибрат оладиган замонлар ўтиб кетди-ку.

Мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, мен ҳам фидойи ёшлар партияси сафига киришга қарор қилдим. Бу партия, менинг назаримда, энг аввало миллатга, Ватанга, Президентга қанот бўлиши керак. Қанот бўлганда ҳам, сувдан қуруқ чиқадиган эмас, элга, юртга, истиқлолга фойдаси тегадиган қанот бўлмоғи даркор. Балким, кимдир, барибир, сиёсат билан санъатнинг ораси анча олис-ку, дейиши мумкин. Эҳтимол, шундайдир. Аммо, менинг тушунишимча, санъат, маданият жамият ҳаётидан узилган ҳолда яшамайди. Жамият олдида, миллат олдида қандай вазифа-мақсадлар турган бўлса, илмда, адабиётда, санъатда ҳам айни шу вазифа олға сурилади, ёзувчилар, санъаткорларнинг бурчи ҳам шу вазифага уйғунлашган бўлади. Бугун мустақил Ўзбекистон олдида миллатнинг қаддини тиклаш, маънавиятини, адабиётини, санъатини, урф-одатларини собиқ мафкура асоратларидан тозалаш, мамлакатнинг номини, шаън-шавкатини жаҳонга ёйиш, халқнинг турмуш даражасини ошириш вазифаси турибди. Бу вазифаларни кимлар амалга оширади — албатта, олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар, спортчилар.

Бизнинг партиямиз, гарчанд, сиёсий ҳаракат, деб номланса-да, фикримча, кўпроқ ёшларнинг эркин минбари, ижтимоий тафаккур ривожининг ўзига хос мактаби бўлиши керак. Катта маърузалар, узундан-узоқ кўрсатмалар керак эмас. Ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини дилдан баён қилсинлар, баҳс-мунозаралар бўлсин. Ҳар ким ўз ҳаётида дуч келаётган муаммоларга шу жойда ечим топсин.

Менинг яна бир истагим шуки, одатда, сиёсий ҳаракатлар ташкил топаётган пайтда аъзолар сонининг кўплигига алоҳида эътибор берилади. Биз бундай қилмаслигимиз керак. Фидойи ёшлар партияси ҳеч кимга ҳеч қанақа имтиёз бермайди. Ҳеч кимнинг шахсий муаммоларини ҳал этиб ҳам бермайди. Шундай экан, аъзоликка қабул қилаётганда, ҳар бир номзодни чуқур ўрганиб, чертиб-чертиб олиш керак. Токи, орамизга шунчаки ҳаваскорлар, таваккалчилар кириб қолмасин.



# САНЪАТ ШАЙДОЛАРИ

Амир Темурдек улуғ саркарда туғилиб вояга етган Шаҳрисабз азал-азалдан маданият ва санъатда, савдо-сотиқда нуфузли шаҳар бўлган. Собиржон Ёдгоров бошлиқ Шаҳрисабз маданият саройининг жамоаси амалга ошираётган ишларда ҳам ана шу қадим маданиятнинг шукуҳини ҳис этиш мумкин.

Маданият саройи жамоаси шаҳардаги ташкилотлар ва мактабларда санъат ихлосмандларини тарбиялаб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Сарой қошида эса «Халқ театри», «Халқ дарбозлари», «Шаҳри Кеш» ашула ва рақс ансамбли, «Чаманзор» болалар фолклор-этнографик ансамбли, «Висол» оилавий эстрада гуруҳи фаолият кўрсатиб келаётир.

— Халқ театри 1928 йилда «Кўк қуйлак» труппаси ташкил этилгандан буён фаолият кўрсатиб келаётир, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, талантли режиссёр Элмурод Боймуродов. — Икрома Болтаева. Зайнаб Садриева, Марям Ёқубова, Фароғат Раҳматова, Марям Сатторова, Насиба Сатторова, Ўктам Аҳмедов, Мансур Хуррамов, Наби Бобожонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Исоҳ Тўраев каби талантли санъаткорлар ана шу халқ театрида тарбияланиб вояга етишган.

Театр жамоатчилик асосида ишлаётган булса-да, «Аршин мол олон», Навоийнинг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» каби ўнлаб катта асарларни саҳнага муваффақиятли олиб чиққан. Мазкур халқ театри жамоаси ташаббуси билан ўтган даврда 60дан ортиқ саҳна асарлари томошабинларга тақдим этилди.

# БОҒИ ЭРАМ ДЕЙСИЗ

Ҳар гал Китоб шаҳрига борганимда маданият-истироҳат боғларига кириб, роҳат қилиб дам олишни канда қилмайман. Мана, бугун дам олиш куни ҳам қадрдон дўстимиз билан шу ердаман. Беш гектарлик боғнинг ҳаммасини хушманзара дарахтлар қоплаган.

Йўлаклар четида турли хил анвои гуллар. Ёз ойлари дарахтларда сайраётган булбулнинг хуш овози, какликларнинг хониши бир дам тинмайди. Боққа дам олиш учун келган катта-кичикларнинг қаҳ-қаҳаси сайроқи қушларнинг ёқимли овозига қўшилиб кетади. Оромгоҳ ўртасидаги фавворалар эса дам олувчиларга ҳузур бағишлайди.

— 1984 йилда боғ мустақил ташкилот сифатида туман маданият бўлимидан ажралиб чиққандан сўнг, уни ободонлаштириш ишлари юришиб кетди, — дейди у. — Ҳозир боғимизга эътибор янада кучайган. Кейинги икки йил давомида боғ анча кенгайтирилди. 300 ўринли концерт зали ва 800 ўринли томошогоҳ қурилиб, ишга туширилди. Бу ерда ҳар йили Республика ва қардош мамлакатлардан гастролга келган санъаткорлар шаҳар ва туман меҳнаткашларига концерт қўймоқда.

Китоб шаҳри марказидаги истироҳат боғини бемалол боғи эрам деб таърифласа бўлади. Маданият ва истироҳат боғларининг вилоят кўриги ўтказилганда ҳакамлар ҳеч иккиланмасдан Китоб шаҳридаги ана шу дам олиш масканига биринчи ўринни берганлиги ҳам бежиз эмас.

**Хайрулла ТЎРАЕВ**

